



ИНВЕСТИЦИЯ СОҲАСИДАГИ РЕЖАЛАР БЎЙИЧА АХБОРОТ БЕРИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев

19 декабрь куни

инвестиция бўйича 2024 йилдаги натижалар
сарҳисоби ва келгуси йилги вазифалар
муҳокамаси юзасидан йиғилиш ўтказди.

2017 йилдан буён мамлакатимиз иқтисодий ётаётган барча манбалар ҳисобидан 188 миллиард доллар инвестиция киритилган. Шундан 87 миллиард доллар четдан жалб қилинган. Натижада инвестицияларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 30 фоиздан ошиб, барқарор иқтисодий ўсишга замин бўлапти.

Бу йил иқтисодий ётаётган киритилган инвестициялар ҳажми 1,3 баравар кўпайиб, 36 миллиард доллардан ошди. Буларнинг ҳисобига йил бошидан буён қўшимча 70 триллион сўмлик қиймат берадиган 560 та йирик ва ўрта лойиҳалар ишга туширилди. Келаси йилдан экспортни яна 1 миллиард долларга ошириш имконияти пайдо бўлди.

Соҳа ва ҳудудларда очилаётган имкониятлар билан бу натижаларни янада охирира бўлади.

Йиғилишда инвестициялар, санат ва савдо вазири 2025 йилги режалар тўғрисида ахборот берди.

Келгуси йил 43 миллиард долларлик инвестицияларни ўзлаштириш кўзда тутилмоқда. Бу орқали 300 дан ортиқ йирик лойиҳа бажарилиши, импорт ўрнини босувчи 662 та янги маҳсулот ишлаб чиқарилиши кутилмоқда.

Давлатимиз раҳбари бунинг учун хорижий инвесторлар билан манзилли ишлаб, янада қулайликлар яратиш,

эришилган барча келишувларни юқори даражада амалга ошириш зарурлигини таъкидлади.

Шунингдек, бугунги кунда 1 минг 890 та лойиҳа бўйича иш кетмоқда. Уларнинг ижросини жадаллаштириш учун масъуллар белгиланди.

Йиғилишда ташки савдо масалаларига ҳам эътибор қаратилди. Жаҳонда кузатилаётган мураккаб вазиятда бу ўзидан бўлмади. Экспорт-логистика занжирлари қийинлашгани, асосий экспорт бозорларимизда тайёр маҳсулот олиш қийинлашгани.

Бундай шароитда ички имкониятларни тўлиқ сафарбар қилиб, иқтисодий тараққиёт суръатларини ошириш зарурлиги таъкидланди.

2030 йилгача мамлакатимизнинг йиллик экспорт ҳажмини 2 баробар ошириб, 45 миллиард долларга олиб чиқиш мақсади белгиланган. Бу режадаги инвестициявий лойиҳаларни ўз вақтида ишга тушириб, юқори қийматли маҳсулот ва хизматларни кўпайтиришни, экспорт географиясини кенгайтиришни талаб этади.

Мутасаддиларга режалар ижросини доимий таҳлил қилиб, ишни жойларда сифатли ташкил этиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Ў.А.

ГАЗ ҚАЗИБ ОЛИШНИ КЎПАЙТИРИШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев

19 декабрь куни

газ қазиб олишнинг жорий ҳолати
ва уни янада ошириш чора-тадбирлари
юзасидан йиғилиш ўтказди.

"Ўзбекнефтегаз" акциядорлик жамияти раиси жорий йилда бажарилган ишлар ҳамда 2025 йилги устувор вазифалар тўғрисида ахборот берди.

Қайд этилганидек, соҳада хорижий компаниялар билан ҳамкорликда иш олиб борилмоқда. Улар иштирокида келаси йил газ қазиб чиқариш ҳажмини барқарорлаштириш лойиҳалари шакллантирилди. Хусусан, замонавий технологиялар жалб қилиниб, янги эксплуатация қудуқлари бурғиланиши ҳамда эскилари таъмирланди.

Тармоқдаги асосий муаммо геология-қидирув ишларига узок йиллар етарлича эътибор қаратилмаганидир. Оқибатда айрим конлар фойдаланиш мuddатини деярли ўтаб бўлган, яна баъзиларнинг самарадорлиги паст. Шунинг учун замонавий технология олиб келиниб, 15 та янги истиқболли майдонда геология-қидирув ишлари бошланади. Сейсмик қидирув ҳудуди 6,5 минг квадрат километрга кенгайтирилади.

Ў.А.

Мутасаддиларга йирик хорижий компаниялар ва экспертларни жалб этган ҳолда, геологияни ривожлантириш ва янги конларни ўзлаштириш бўйича 2025 йил учун дастур ишлаб чиқиш топширилди.

"Ўзбекнефтегаз" да трансформацияни давом эттириб, таннархни камайтириш, халқаро кредит рейтингини яхшилаш вазифа қилиб олинган. Жумладан, келгуси йилда ишлаб чиқариш ва геология-қидирув лойиҳаларини молиялаштириш учун халқаро манбалардан маблағ жалб қилиниши мўлжалланган.

Давлатимиз раҳбари соҳада инвестициялар, янги технологиялар билан бирга кадрлар масаласи муҳим эканини таъкидлади. Ўқитиш сифатини ошириб, замонавий мутахассислар тайёрлаш, чет элда ишлаётган малякали ватандошларимизни тақлиф этиш бўйича кўрсатмалар берилди.

ҚУРИЛИШ ВА УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИДА

Халқаро экспертлар иштирокида семинар



Геотехника ва сейсмика соҳаларидаги халқаро экспертлар иштирокида Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ва бир қатор дахлдор ташкилотлар ҳамкорлигида семинар ташкил этилди.

Кўп қаватли бино ва иншоотлар учун пойдеворнинг замонавий дизайн хусусиятлари ҳамда тоғли ҳудудларда қурилиш объектларининг мустаҳкамлигини таъминлаш каби мавзуларга бағишланган ушбу семинарни вазир ўринбосари Тоир Алиматов очиб берди.

Ушбу семинар ва учрашувлар қурилиш ҳамда инфратузилма соҳасида замонавий илм-фан ютуқларини ўрганиш ва ўзаро тажриба алмашиш учун муҳим майдон

ярадади, - деди Тоир Алиматов. - Юртимизда қурилиш ишлари ҳажми йилдан йилга ўсиб борапти. Масалан, 2023 йилнинг ҳозирги даврига мос равишда қурилиш ишлари 109,1 фоизга ўсганлиги бунинг ёрқин далилидир. Ўзбекистон инновацияларни жорий қилиш ва барқарор ривожланишни таъминлаш йўлида фасл ҳаракат қилмоқда.

Тадбирда таъкидланганидек, юқори тоғли ҳудудлар ва мураккаб геологик шароитларда иншоотларни лойи-

ҳалаш ҳамда зилзилабардош ечимларни ишлаб чиқиш соҳаларида халқаро ҳамкорлик устувор йўналишлардан биридир. Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги бу борада халқаро ҳамкорликни кучайтириш ва илғор технологияларни жорий этиш орқали соҳани янги босқичга олиб чиқишни мақсад қилган.

Шу билан бирга, халқаро ҳамкорликнинг энг муҳим томони шундаки, бу бизга хорижий тажрибаларни ўрганиш ҳамда энг сўнгги илм-фан ютуқлари билан танишиш имконини беради. Ҳозирда қияликлар ва туннелларнинг барқарорлигини ошириш, янги мониторинг тизимларини жорий этиш ҳамда миллий стандартларни замонавий талаблар асосида такомиллаштириш режалаштирилмоқда.

Ҳамкорлик алоқалари янада кенгайди

Фарғона вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси бошлиғи Лазизхон Позилов бошчилигида давлат хизматчилари, туман ва шаҳар бош архитекторлари ҳамда етакчи лойиҳа ташкилотларидан иборат делегация қўшни Тожикистон Республикасининг Душанбе шаҳрида бўлиб қайтишди.



Ташрифдан мақсад - Фарғона вилоятида архитектура ва шаҳарсозлик соҳасини янада такомиллаштириш, қўшни давлатларнинг шаҳарсозлик ва коммунал соҳадаги тажрибалари, ютуқлари билан

танишиш, шаҳарсозлик соҳаларида амалий ҳамкорликни мустаҳкамлаш, ижтимоий ва иқтисодий лойиҳаларни биргаликда амалга оширишдир. Учрашувларда ушбу масалалар бўйича фикр алмашилди.

Тунги назорат тадбирлари давом этмоқда

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири ўринбосари Озода Жўраева бошчилигида тунги назорат тадбирлари ташкил этилиб, жойларда БСКлар фаолияти ўрганилмоқда.



"Сифатли тезкор лидер" БСК Миробод туманидаги 36 та уйга хизмат кўрсатади. Вазир ўринбосари мазкур компаниянинг фаолияти, мурожаатларни қабул қилиш тартиби, аҳоли муаммолари ечимдаги таҳлиллар, бошқарув ташкилотининг моддий-техника базаси билан танишди. Кўп қаватли уйлар ҳолати ўрганилиб, аҳоли билан суҳбатлашилди.

Ўрганишлар сўнггида вазир ўринбосари иш самарадорлигини ошириш юзасидан масъулларга зарур топшириқлар берди. Аҳолининг иссиқлик билан боғлиқ муаммоси тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда ҳал этилиши таъкидланди.

Тежамкорлик давр талаби

Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли Фармониға мувофиқ, 2024 йил 1 январдан бошлаб Нукус шаҳрида кўп қаватли уйлар ўртасида ичимлик сувидан оқилонга фойдаланиш, аҳолининг сувни тежаш ва унинг ифлосланишини камайтиришга қаратилган "Тежамкор уй" ва "Тежамкор хонадон" рейтинг тизими ишга туширилган эди.

Мазкур рейтингда иштирок этиш учун бугунги кунга қадар 38 та кўп қаватли уйдаги 1112 та хонадон танлаб олинди. Жорий йил якуни билан рейтинг тизими натижаларига кўра, ғолиб деб топилган 20 та хонадон ҳамда хонадонларнинг 50 фоизидан ортиғи белгиланган меъёрлардан кам сув ишлатган 20 та кўп қаватли уйга қуёш панели ва уй атрофини ёритиш мосламалари бепул ўрнатиб бериш режалаштирилган.

Тажриба 2025 йил 1 январдан бошлаб Тошкент шаҳри ва барча вилоят марказларида ишга туширилиши режалаштирилмоқда. Ушбу ҳудудларда рейтинг тизимида иштирок



этиш учун 438 та кўп қаватли уйдаги 14120 та хонадон қамраб олинди.

Андижонда ўрганиш ишлари амалга оширилди

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси раҳбари бошчилигидаги ишчи гуруҳ томонидан "Янги Андижон" массивида ўрганиш ишлари амалга оширилди.

Хусусан, ушбу массивнинг майдони қарийб 4 минг гектар бўлиб, янги шаҳарнинг бош режасига кўра, унда бино ва иншоотлар, уй-жой, савдо марказлари, кичик саноат зонаси, яшил ҳудуд, хизмат кўрсатиш ва ижтимоий соҳа объектлари қад ростлади. Инспекция раҳбари назорат давомида қурилаётган ҳамда фойдаланишга топширилган кўп қаватли уйларда бўлди. Қурилиш ташкилоти вакиллари билан суҳбат жараёнида "Аҳолига узок йиллар хизмат қиладиган сифатли, замонавий, шу билан бир қаторда, шинам хонадонларни топшириб, юртдошларимизнинг обод



масканларда фаровон ҳаёт кечиришига замин яратиш - энг асосий мақсадимиз", - дея таъкидлади Сирожиддин Эшқуватов.



Мираббос ИНОЯТОВ, “Shaharsozlik hujjatlarini ekspertiza qilish Respublika markazi” ДМ директори.

ДАВОМИЙ НАТИЖАЛАР сари дадил одимлар

Курилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳузурдаги “Shaharsozlik hujjatlarini ekspertiza qilish Respublika markazi” давлат муассасаси ўз олдиға қатор режалар, мақсадлар қўйган ҳолда фаолият юритиб келмоқда. Таъкидлаш жоиз бўлса, муассасанинг ташкилий масалалари бўйича қатор ислохотлар амалга оширилди. Бундан ташқари, жамоамиз билан биргаликда кўплаб амалий ишларни ҳам бажариб келяпмиз.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маъмурий ислохотлар доирасида курилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида давлат бошқаруви самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-151-сонли фармониға асосан, Курилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳузурдаги “Шахарсозлик ҳужжатлари экспертизаси” ДУК негизида давлат муассасаси шаклидаги “Shaharsozlik hujjatlarini ekspertiza qilish Respublika markazi” қайта ташкил этилди. Мазкур Фармон ижроси юзасидан вазирлиқнинг 2023 йил 29 сентябрдаги 327-сонли буйруғи қабул қилинди. Ушбу буйруқ билан Марказнинг низоми ҳамда тузилмаси тасдиқланди.

Экспертиза соҳасини тўлиқ рақамлаштириш жараёни давом эттирилиб, бир-бирини такрорловчи айрим функция ва лавозимлар қисқартирилди. Жумладан, ҳудудларда бошқарув ходимларининг (ҳисобчи ҳамда ходимлар масалалари бўйича мутахассис) штат бириктери қисқартирилди, шунингдек, директор лавозимлари мақбуллаштирилди, бошқарма бошлиғи лавозимига ўзгартирилди. Бунинг натижасида эксперт мутахассислар сони кўпайтирилиб, иш самардорлиги оширилди. Соҳа экспертларининг малакаси оширилиб, 110 нафардан зиёд эксперт сертификатга эга бўлди.

Шу жумладан, марказ фаолияти доирасида ҳам кўплаб ишлар амалга оширилди. Ўзбекистон Республикаси Президентини раҳбарлигида 2024 йил 29 январь кунини кенгайтирилган тарзда ўтказилган видеоселектор йиғилишининг 6-сонли баёни 12-бандида объектларни лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқишдан бошлаб, фойдаланишга бўлган барча жараёнлар ҳамда уларнинг назоратини олиб бориш юзасидан янгича тизим жорий этиш вазифаси юклатилди. Мазкур топшириқ ижроси юзасидан “Шаффоф курилиш” миллий ахборот тизимидаги “Лойиҳа-смета ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш” электрон платформаси тўлиқ рақамлаштирилган ҳолда тубдан янгиланди.

Шу билан бирга, манфаатлар тўқнашуви бартараф этиш, юзага келиши мумкин бўлган коррупциявий ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида экспертиза кўригига тақдим этилаётган айрим (хавф-хатар тоифаси I ва II) тоифадаги лойиҳаларни кўриб чиқиш учун муайян бир ҳудудга йўналтириш функцияси бекор қилинди. Лойиҳаларни кўриб чиқувчи ҳудудни автоматлаштирилган дастурий таъминот томонидан муштакли равишда иш юклатмасини инобатга олган ҳолда тасодифий танлаш функцияси жорий этилди.

2024 йил 2 февралда “ТошкентбашлоқЛИТИ” биносида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегиясини амалга ошириш бўйича мувофиқлаштирувчи комиссия раиси ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси спикери, Бош прокуратура, Ҳисоб палатаси, Иқтисодий ва молия вазирлиги, Рақамли технологиялар вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, Курилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ва бошқа



манфаатдор вазирлик, идоралар иштирокида “Курилиш соҳасига рақамли технологияларни жорий этиш” бўйича бўлиб ўтган йиғилишда мазкур янгиланган электрон платформа тақдимот қилинди.

Экспертиза тизимини тўлиқ рақамлаштириш, манфаатлар тўқнашуви бартараф этиш, юзага келиши мумкин бўлган коррупциявий ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида тайёрланган тақдимот материаллари ҳамда электрон платформанинг онлайн режимда ишлаш механизми йиғилиш иштирокчилари томонидан ижобий баҳоланди. Шунингдек, лойиҳаолди ҳужжатларини қалбақлаштириш ҳолатларининг олдини олиш ҳамда маълумотларни онлайн режимда қабул қилиш мақсадида “Шаффоф курилиш” миллий ахборот тизимида ишга туширилган [expertiza.mc.uz](#) платформаси бошқа манфаатдор идора ва ташкилотларнинг электрон платформалари билан интеграция қилинди.

Шунингдек, объектларнинг лойиҳа ҳужжатларида сейсмик хавфсизлик, зилзилабардошлик ва конструкциялар мустаҳкамлиги кўрсаткичларининг таъминланганлиги ҳолати ҳамда ноғиронлиги бўлган шахсларга тўсиксиз шaroит яратилганлиги юзасидан экспертиза тизими кучайтирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг сейсмик хавфсизлигини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-144-сонли фармони ижросини таъминлаш юзасидан 2022 йил 1 сентябрдан бошлаб янги курилиш режалаштирилаётган хавфлилик омилли IV тоифага мансуб бўлган объектларга Фанлар академиясидан зилзилабардошлик бўйича ижобий илмий хулоса тақдим этилган тақдирдагина шаҳарсозлик ҳужжатларини экспертлар томонидан кўриб чиқиш тартиби йўлга қўйилиб, мазкур тартиб доимий назоратга олди.

Барча дастурлар доирасида 2024 йил 1 декабрь ҳолатига кўра, “Шаффоф курилиш” миллий ахборот тизимидаги “Лойиҳа-смета ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш” электрон платформаси орқали келиб тушган 21,9 миңдан ортиқ объектнинг лойиҳасига йўзма эксперт хулосалари тақдим этилди. Экспертиза жараёнида лойиҳа ечим-

ларини яхшилаш ва уларни норматив талабларга мослаштириш, лойиҳалардан асоссиз кўзда тутилган харажатларни чиқариб ташлаш ҳисобига тежалган маблағ 6 712,2 млрд сўмни ташкил этди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2024 – 2026 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-404-сонли қарори билан Инвестиция дастури доирасида 1 758 та объект бўйича ишлаб чиқилган лойиҳа-смета ҳужжатларига йўзма эксперт хулосалари тақдим этилди. Экспертиза жараёнида лойиҳа ечимларини яхшилаш ва уларни норматив талабларга мослаштириш, лойиҳалардан асоссиз кўзда тутилган харажатларни чиқариб ташлаш ҳисобига 1 482,1 млрд сўм тежалди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 10 апрелдаги ПҚ-117-сонли қарори доирасида 2024 йилда жами ғолиб лойиҳаларнинг 2 147 тасига йўзма эксперт хулосалари тақдим этилди. Экспертиза жараёнида лойиҳа ечимларини яхшилаш ва уларни норматив талабларга мослаштириш, лойиҳалардан асоссиз кўзда тутилган харажатларни чиқариб ташлаш ҳисобига 22,3 млрд сўмни ташкил этди.

Маҳаллаларда инфратузилма билан боғлиқ энг долзарб масалаларни ҳал этиш орқали аҳолиға муносиб турмуш шaroитларини яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирининг қарори билан курилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилаётган ички йўллар, кўприклар, ичимлик суви, электр энергияси, газ ва иссиқлик таъминоти, уй-жой фонди, таълим, соғлиқни сақлаш ва бошқа инфратузилма объектларининг ҳудудлар кесимида манзилли рўйхатлари тасдиқланган. Бугунги кунга қадар мазкур тасдиқланган манзилли рўйхатлардаги лойиҳаларнинг 1 232 тасига йўзма эксперт хулосалари тақдим этилган. Бунда, лойиҳа ечимларини яхшилаш ва уларни норматив талабларга мослаштириш, лойиҳалардан асоссиз кўзда тутилган харажатларни чиқариб ташлаш ҳисобига 44,4 млрд сўм маблағ тежалди.

Булардан ташқари, Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 27 сентябрдаги 102-сонли Раёсат баёниға асосан, 2025 йилги Инвестиция дастуриға киритилган дастлабки лойиҳалар сони 876 та бўлиб, уларға 7 514,9 млрд сўм лимит маблағлари ажратилган. Ҳозирға қадар 34 та объектнинг лойиҳа-смета ҳужжатларига йўзма эксперт хулосалари тақдим қилинди. Мазкур экспертиза жараёнида лойиҳа ечимларини яхшилаш ва уларни норматив талабларга мослаштириш, лойиҳалардан асоссиз кўзда тутилган харажатларни чиқариб ташлаш ҳисобига 8,1 млрд сўм маблағ тежаб қилинди.

Хулоса қилиб айтганда, 2025 йилда ҳам “Shaharsozlik hujjatlarini ekspertiza qilish Respublika markazi” давлат муассасаси томонидан юқоридаги каби ишларни амалга ошириш учун ҳаракат ва чора-тадбирлар ишлаб чиқиш тўхтамайди. Хусусан, келгуси йилда ҳам давомий натижаларга эришиш йўлида бир қатор ишларни амалга ошириш режалаштирилган.



Бобурбек РЎЗМЕТОВ,
Хоразм вилояти Курилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси бошлиғи.

Бугун юртимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари ҳар биримизнинг қалбимизға ўзгача ғурур бағишлайди. Айниқса, Янги йилни янги уйларда қарши олаётган юртдошларимизнинг қувончини кўриб беихтиёр шодланасан. Қилган ишингдан халқинг рози бўлса, бундан ортиқ бахт борми?

Назоратни бир зум бўшаштирмаймиз

Ана шу ғурур ва бахтға муносиб бўлиш учун бажарилаётган курилиш ишларида ҳар доим сифат биринчи масала бўлмоғи керак. Сифатсиз иш – келтирар ташвиш, деб халқимиз бежиз айтмаган. Шу ўринда, бу вазифани адо этишда бизнинг жамоамиз ҳам масъул ҳисобланади. Шу боис, ҳар биримиз бу масъулиятни диддан ҳис қилиб ишлаймиз.

Орта қолаётган йилда Хоразм вилояти Курилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси томонидан ҳам кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Вилотимиз ҳудудида курилаётган уй-жойларнинг сифат даражаси мунтазам режа асосида назорат қилиб борилади.

Хусусан, жорий йилнинг 18 декабрь ҳолатига кўра, ҳудудий назорат инспекциялари томонидан жами 2744 та объект рўйхатдан ўтган бўлиб, мазкур объектларда йил давомида 16 151 маротаба назорат ишлари амалга оширилди. Ҳудудий инспекциялар томонидан объектлар курилишида аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича бажарилиши мажбурий бўлган 7995 та ёзма кўрсатма берилди. Ушбу ёзма кўрсатмалар белгиланган муддатларда ижроси таъминланмаганиги сабабли “Маъмурий жавобгарлик тўғрисида”ги Кодекснинг 99-моддаси бўйича 776 та мансабдор

шахсға нисбатан маъмурий ҳужжатлар тўплами тайёрлаб, тегишлилиги бўйича маъмурий чоралар қўлланилди.

Шунингдек, курилиш-монтаж ишларини тўхтатиш ва бекор қилиш бўйича 9 та ҳолат, курилиш объектларида сифатсиз курилиш материаллари ва буюмлардан фойдаланганлиги учун тегишли орган ва ташкилотларға 59 та ҳолат юзасидан тақдимномалар киритилди.

Бугунги кунда рўйхатдан ўтган 2744 та объектдан 953 тасида курилиш-монтаж ишлари якунланиб, фойдаланишга топширилган бўлиб, Давлат қабул қилиш комиссиясининг далолатномалари расмийлаштирилди.

Хулоса қилиб айтганда, бунёд этилаётган уй-жойларнинг сифатли, пухта ва пишиқ курилиши учун инспекция ходимлари ҳам масъуллигини яхши англаган ҳолда назоратни бир зум бўлсада бўшаштирмаймиз. Келгуси йилда ҳам бу ишларни давом эттириб, халқимизни рози қиламиз.

Курилишлар кўздан кечирилди

Муҳиддин МАҒЗУМОВ, “O'zbekiston bunyodkori” мухбири.

Наманган вилояти ҳоқими Шавкатжон Абдуразоқов ҳудудларда амалга оширилаётган курилиш ишлари билан танишди.

Хусусан, Янги Наманган туманининг Мингчор маҳалласида “Мукамал строй бетон” МЧЖ томонидан барпо этилаётган кўп қаватли уй-жойлар курилиши кўздан кечирилиб, ишларни сифатли тарзда якуниға етказиш бўйича мутаассадиларға тегишли кўрсатмалар берилди. Мазкур турар жойлар 2 йўлақли, 9 қаватли, 44 хонадондан иборат бўлиб, уйлар шу йил якуниға қадар фойдаланишға топширилиши режалаштирилган.

Шунингдек, аҳолини замонавий ва қулай уй-жойлар билан таъминлаш мақсадида Давлат обод туманида барпо этилаётган иншоотлардаги курилиш жараёни ҳамда мавжуд турар жой масалалари ҳам ўрганилди.

Вилоят ишчи гуруҳи томонидан ўтказилган мазкур ўрганишлар доирасида курилиш сифатини ошириш, лойиҳаларнинг ўз вақтида ва белгиланган тартибда бажарилишини таъминлаш чоралари кўриломқда. Курилиш ишларида аҳолининг талаб ва эҳтижларини инобатға олиб, инфратузилмани такомиллаштириш устувор ва-



зифа этиб белгиланган. Ўрганишлар жараёнида аниқланган камчиликларни бартараф этиш учун тегишли тавсиялар ишлаб чиқилиб, назорат кучайтирилди.

Мутаассадиларнинг маълум қилишича, келгуси йилда ҳам аҳолини уй-жой билан таъминлаш бўйича давлат дастури доирасидаги ишлар изчиллик билан давом эттирилади. Бунда курилиш жараёнларини юқори сифат билан таъминлашға алоҳида эътибор қаратилади.

Кўп қаватли уйлар иссиқлик билан таъминланмоқда

Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ, “O'zbekiston bunyodkori” мухбири.

Оролбўйи минтақаси табиатининг ўзига хос инжиқликлари кўп. Айниқса, изғирин авжига чиққан қиш ойларида кўп қаватли квартираларда истиқомат қилаётганларға осон бўлмаган. Ҳўз даврида шу сингари оғир шaroитларни бошидан кечирганлар кейинги йилларда Қўрақалпоғистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳолининг турмуш даражасини янада яхшилаш йўналишида амалга оширилаётган ишлардан миннатдор бўлмоқда.

Бужихатдан кўп квартиралар турар жойларда яшаётганларға зарур шaroитлар яратиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорлари катта аҳамият касб этмоқда. Истиқболға йўналтирилган дастурлар туфайли шаҳар ва туманларда жойлашган 1 634 та кўп қаватли уй навбати билан таъмирланиб, талаб даражасига келтирилди.

Жорий йилда ҳам уларнинг барқарор ишларини таъминлаш юзасидан Қўрақалпоғистон Республикаси Курилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги томонидан

алоҳида дастур ишлаб чиқилиб, шунга монанд ишға киришилган эди. Мана, қишининг дастлабки оғи ҳам ўтиб бормоқда. Мавсумға тайёргарлик ва бу борада амалга оширилган ишлар бугунги кунда қандай натижа беряпти, деган савол туғилиши табиий.

Қўрақалпоғистон Республикаси Курилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигининг ўринбосари Жалғасбай Ҳабибуллиннинг таъкидлашича, 50-йилларда қурилган кўп қаватли уйларда ҳолат жуда оғир эди. Хусусан, таъмирға муҳтож бўй уйларда иситиш тизимини йўлга қўйиш,

сув тармоқларини янгилаш ва ертўлаларда зарур ишларни бажариш катта маблағ талаб этарди. Шундай вазиятда Президентимизнинг 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2912-сонли қарори мақсадға эришишда дастуруламал бўлди.

Ажратилган маблағ ҳисобидан Нукус шаҳридаги РК-1 қозонхонасининг 1 та иситиш қозони ҳамда 0,3 километр тармоғи ва Тахياتош туманида “Тахياتош иссиқлик тармоқлари” МЧЖдан кўп квартиралар уйларға иссиқлик энергиясини тақсимловчи тармоқнинг 0,4 километри жорий таъмир-

ланди. Шунингдек, республикадаги яна 3 та марказлашган қозонхонада реконструкция ишлари олиб борилиб, энергиятежамкор технологиялар билан таъминланди. Мана шу янгиланишлар ҳисобига индивидуал ҳамда марказий ва маҳаллий қозонхоналар орқали 550 та кўп қаватли уйдаги 15 365 та хонадонға иссиқлик манбаи кириб борди. “Урганчтрансгаз” корхонаси эса Қўнғирот туманидаги 41 та уйға мазкур манбаи етказиб бермоқда. “Коммуналхўз ыссықлик орайи” давлат унитар корхонаси ҳам мавсумға тайёргарлик ишларига ўз ҳиссасини қўшмоқда. Жумладан, корхонанинг сайёҳаракати билан қуввати 21,88 Гкал/соат бўлган қозон ҳамда ҳар хил диаметрдаги узунлиги 9,7 километр иссиқлик тармоқлари ишға туширилди.

Шулар баробарида “Тахياتош иссиқлик тармоқлари” МЧЖ “Тахياتош ИЭС”дан фойдаланувчи 53 та кўп квартиралар уй, ўндан ортиқ ишлаб чиқариш ҳамда маъмурий ташкилотларнинг биноларига ҳар хил диаметрдаги узунлиги 17,4 километр

тармоқ орқали иссиқлик энергияси етказиб беришни йўлга қўйди. Мавсум жараёнида бу ерда юзага келиши мумкин бўлган авария ҳолатларини бартараф этиш учун таъминот корхоналарида 24 соатлик диспетчерлик хизмати ва авария бригадалари фаолияти йўлга қўйилиб, улар зарур асосб-ускуналар билан таъминланди.

Вазирлик томонидан 2024-2026 йилларда минтақанда бўлган иссиқлик таъминоти тизимини янада яхшилаш юзасидан ишлаб чиқилган лойиҳа бўйича Нукус шаҳридаги корхона давлат-хусусий шериклик шартлари асосида модернизация қилиниши назарда тутилган. Уни амалга ошириш натижасида РК-1 қозонхонаси бир вақтнинг ўзида иссиқлик ва электр энергияси ишлаб чиқаради. Натижада, “когенерация” технологиялари қувватидан самарали фойдаланиб, замонавий бошқариш тизими жорий этилган, 490 та кўп квартиралар уйдаги 19 625 та хонадон ва 140 та ижтимоий соҳа объекти иссиқлик таъмиоти билан таъминланади.

Шунингдек, 2025 йилда марказлашган иссиқлик билан тўлиқ таъминлаш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 27 сентябрдаги Раёсат мажлисининг 102-сонли баёни бўйича инвестиция дастурида “Кўк ўзак” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги 25 та уйни мукамал таъмирлаб, 1 106 хонадонда яшаётган аҳолиға зарур шaroитлар яратиб бериш ҳамда 1 та қозонхона ва 3,9 километр иссиқлик тармоқларини янгидан куриш белгиланган.

Бугунги кунда мазкур объектнинг дастлабки лойиҳаолди ҳужжатлари ишлаб чиқилиб, ўтказилган тендер савдоларида талабгорлар аниқланди ва объектни куриш бўйича зарур ишлар бошлаб юборилди. Ҳудуддаги кўп қаватли уйларда ҳам томларни янгилаш, фасад қисларини тартибға келтириш, ертўлалардаги қувурларни алмаштириш, йўлақлар куриш ва тунги ёриткичлар ўрнатиш, ноқонуний қурилмаларни ихтиёрий равишда буздиритиш ишлари давом этмоқда.

ЯШИЛЛИК ТАБИАТ МУСАФФОЛИГИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Яшиллик мусаффоликни таъминлайди. Бойси кўп дарахт ўсган ҳудуд ёзнинг саратонида салқин, ишлаб чиқарилаётган кислоталарга эвазига ҳавоси тоза бўлади. Давлатимиз раҳбарининг бевосита ташаббуси билан бошлаб берилган "Яшил макон" умуммиллий лойиҳасидан ҳам ушбу мақсадлар кўзланган бўлса, не ажаб. Лойиҳа доирасида бугунги кунда республикамизнинг барча ҳудудларида дарахт экиш ишлари умумхалқ ҳаракатига айланиб улгурди.



Қашқадарё вилоятида ҳам кузги дарахт экиш жараёни уюшқоқлик билан амалга оширилмоқда. Жорий мавсумда воҳада 10 миллион тупдан ортиқ манзарали ва мевали дарахт кўчатлари экиш мақсад қилинган.

Биргина вилоятнинг Чироқчи туманида 417 минг туп мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экилиши режалаштирилган бўлиб, айни вақтга қадар 300 минг тупдан ортиқ ниҳоллар танланган майдонлар, жумладан, йўл бўйлари, канал ва дарёларга туташ ерларда ўтказиб бўлинди.

"Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси – бу бир йиллик тадбир эмас, – деди Чироқчи тумани ҳокими ўринбосари Бойқобил Норқобилов. – Лойиҳага шарт берилган кундан эътиборан ўз ҳиссамизни қўшиб келямиз. Мана айни кунларда ҳам туманимизда кенг миқёсда кўчат экиш ишлари олиб борилмоқда. Жумладан, экиш жараёни тумандаги ҳар бир маҳалла, ташкилот ва идораларда, фермер хўжалик ерлари ёқаларида, катта кўчалар бўйларида амалга оширил-

моқда. Барча юртдошларимиз бир ёқадан бош чиқарган ҳолда муносиб ҳиссасини қўшмоқда. Бунинг учун туман марказидаги Марказий ўйингоҳ рўпарасида лойиҳа доирасида арзонлаштирилган "Кўчатлар савдоси ярмаркаси" ҳам ташкил этганмиз. Чунки маҳаллаларимизнинг файзи ва кўрки, кўчаларимиз, иш жойларимиз озодлиги, ҳавомиз мусаффолиги экилган ва экаётган дарахтларимизга боғлиқ.

Туманда жамоавий боғлар ташкил этиш ҳам яхши анъана тусини олган. Тумандаги Зарбдор маҳалласи ҳудудидан ажратилган 5 гектар ерда "Полвонлар боғи"нинг ташкил этилгани ҳам бунинг исботидир. Қувонарлиси, ҳудудларни кўкаламзорлаштириш ишларига барча бирдек бош қўшиб, умумтаълим мактаблари, тиббиёт муассасалари атрофларига уюшқоқлик билан кўчат экиш ишлари давом эттирилмоқда.

Чироқчи туман мактабгача ва мактаб таълими бўлимига қарашли 14-умумтаълим мактабининг эски биноси 60-йилларда қурилган бино бўлиб, сўнгги йилларда таъмирталаб аҳолга келиб қолганди.



Ушбу бино 400 миллион сўм маблағ эвазига капитал реконструкция қилиниб фойдаланишга топширилди. Туман мактабгача ва мактаб таълими бўлими вакиллари ҳамда мактаб жамоаси ушбу янги бинодан фойдаланишни унинг атрофини ободонлаштиришдан бошлади.

– Бу ерда 96 нафар бошланғич синф ўқувчилари 4 та синфда бир сменада таҳсил олади, – деди Чироқчи туман мактабгача ва мактаб таълими бўлими бошлиғи Фарҳод Жуманов ўз ахбороти билан. – Ўқувчиларнинг сифатли таълим олиши учун бинода етарлича қўлайликлар яратилди. Жумладан, иситиш тизими йўлга қўйилди. "Яшил макон" лойиҳаси доирасида ушбу мактаб ҳудудини ободонлаштириш мақсадида 200 тупдан ортиқ манзарали кўчат экиди. Бундан ташқари, туманимиздаги мактаблар атрофига режалаштирилган 20 минг туп кўчат экиш ишлари тўлиқ бажарилди.

Бу каби хайри ишларнинг давоми сифатида бугун туманда аҳолининг эҳтиёмдан қатлами қў-

лаб-қувватлаш, уларга кўмаклашиш ишлари ҳам тизимли йўлга қўйилган. Зарбдор маҳалласида истикомат қилувчи Қандолат Ботирова анча йиллардан буюн бетоб. Топгани дори дармондан ортмайди. Унга ҳам бир бош болали сигир олиб берилгани айни муддао бўлди.

– 4 нафар фарзандим бор. Турмуш ўртоғим ишсиз, – деди Қ. Ботирова. – Кенжа фарзандим оғир касалга чалиниб қолди. Нега йилдан буюн даволатамиз. Топганимиз шунга кетпти. Маҳалладошлар барака топишини ҳомилийк ёрдами эвазига сигир олиб беришди. Сут, қатиғидан фойдаланяпмиз, шукр. Пул маблағи ҳам ажратилди. Ўғлимнинг суннат тўйини ҳам ўтказишди. Бундан бошим осмонга етди, барчаларига раҳмат.

Хайри ва савобли ишнинг этагини тутган яхши албатта. Бунинг ординан кимнингдир кўнгли тоғдек кўтарилди. Қолаверса, боғ-роғларнинг кўпайиши юртимизни ашилликка бурканишига, табиатимизнинг мусаффо бўлишига ҳам хизмат қилади.

Янги бино ўқувчилар ихтиёрига топширилди

Наманган вилояти Учқўрғон туманидаги 43-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактабининг 300 ўринли қўшимча янги биноси фойдаланишга топширилди.

Жорий йилги Инвестиция дастури доирасида 5 миллиард 251 миллион сўм маблағ эвазига мактабда қўшимча бино қуриш билан бирга, мавжуд биноларни реконструкция қилиш ишлари амалга оширилди.

Секторлар раҳбарлари, тизим вакиллари, нуронийлар, умумтаълим мактаблари, мактабгача таълим ташкилотлари масъуллари ва жамоатчилик иштирокида янги бино ўқувчилар ихтиёрига топширилди.

Тантанали маросимдан сўнг "Яшил макон" лойиҳаси доирасида мактаб ҳовлисида дарахт кўчатлари ўтказилди.



Ҳотам МАМАДАЛИЕВ (ЎЗА) олган сурат.

Кафедра фаолияти кенгаймоқда

Дилшода СУЛТАНОВА, Самарқанд давлат архитектура-қурилиш университети профессори, "Турон" ФА академиги, Архитектура фанлари доктори.

Самарқанд давлат архитектура-қурилиш университети Архитектура факультетининг Санъат кафедраси 1966 йилда, университетга асос солинган йили очилган. Кафедра дастлаб Расм, рангтаъбир ва ҳайкалтарошлик номи билан аталган.

Санъатшунослик бўйича профессор Намозбой Султонов кафедрани деярли 40 йил бошқариб, унинг ҳар тарафлама ривожланишига салмоқли ҳисса қўшган. Бугунги кунда биз ҳам устозимиз Намозбой Султоновнинг илмий мактаби анъаналарини имкон даражасида давом эттириб келямиз.

СамДАКУ тасвирий санъат назарияси ва амалиёти илмий мактаби асосчиси Намозбой Султонов таниқли олим, педагог-рассом, санъатшунослик фанлари номзоди, профессор, "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси", Олий таълим аълочиси, ЎзБА олтин медали соҳиби. У 1968-2005 йиллар мобайнида Тасвирий санъат кафедраси мудури бўлиб ишлаган. Фаолияти давомида Архитектура факультетида илмий-бадний базани ташкил этишга ва кўплаб педагогик

кадрларнинг илмий салоҳиятини оширишга эришган. Меъмор мутахассисларни тайёрлашда расм (қаламтаъбир)нинг ўрнини таъкид этишнинг долзарб муаммолари бўйича илмий мактаб яратган. Устознинг номзодлик иши ҳам "Меъмор мутахассисларни тайёрлашда расмнинг роли" мавзусида бўлган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 8 ноябрдаги "Архитектура-қурилиш соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-416-сонли қароридан белгиланган вазифалар ижросидан келиб чиқиб, ректоримиз – профессор Чидем Жанбай Туркийилмас таклифи билан кафедрамиз Тасвирий санъатдан янада кенгроқ мазмунга эга бўлган Санъат номига ўзгартирилди.

Бугунги кунда кафедрамизда 11 нафар профессор-ўқитувчи ўз ўқув-педагогик ва илмий-ижодий фаолиятини олиб бормоқда. Кафедрамизнинг малакали мутахассислари томонидан санъат соҳасига доир дарслик, монография, каталог, ўқув қўлланма ҳамда услубий кўрсатма, илмий мақола ва тезислар чоп этирилади. Бунинг натижасида Санъат кафедраси университетимиз рейтинг кўрсаткичларида доимо юқори поғоналарни эгаллаб келмоқда. Ўз илмий ва ижодий ишлари билан олимларимиз ҳар ўқув йилида университет халқаро бўлимининг режиси бўйича Япония, Германия, Туркия, Россия, Қозоғистон, Тожикистон ва Қирғизистон каби хорижий давлатларга илмий сафарга бориб келишади.

Профессор-ўқитувчилардан Т. Ёркулов, Т. Эсанов, А. Султонов хорижда халқаро даражадаги шахсий ва жамоавий ижодий ишлари кўргазмасини ташкил қилишга эришди. Шу билан бир қаторда, улар ЎзБА Бадий ижодкорлар уюшмасининг аъзоси ҳам.

Келгусида режаларимиз кўп. Янги ихтисосликлар очилиши режалаштирилган. Қолаверса, янги йилда Архитектура факультети кафедралари университети ҳовлисида махсус қурилаётган шинам ўқув корпусига кўчиб ўтиши кутилмоқда.

ТУФИЛГАН КУНИНГИЗ МўБОРАК БЎЛСИН!

2024 йил декабрь ойининг 19-23 саналарида
таваллуд айёмларини нишонлайдиган

"Қишлоққурилишлойиҳа" МЧЖ бош лойиҳа қидирув институти ДМ Инновацион ва тақдирот материаллари лойиҳаларини ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи **Набижон Назаров**,

"Коммунал лойиҳа илмий тадқиқот институти" Давлат муассасаси бош мутахассиси **Галина Хмельёва**,

"Ташгипрогор" АЖ етакчи муҳандиси **Дилобар Газиева**,

"Urbanizatsiya va shaharsozlik hujjatlarini ishlab chiqish Respublika markazi" ДМ бош мутахассиси **Шухрат Асатиллаев**, етакчи мутахассис **Аҳмадхон Ҳамидов**,

"Ўзгирсанавтлойти" АЖ МТ сектор раҳбари **Лариса Ступникова**, ООПТР муҳандиси **Зайнаб Холмуратова**,

"O'zshaharsozlik LITI" ДМ Шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш бошқармаси 5-устахонаси лойиҳа бош архитектори **Даврон Акрамов**,

"O'zGASHKLITI" Қурилишда муҳандислик қидирувлари, геоахборот, шаҳарсозлик кадастри лойиҳа илмий-текшириш институти Самарқанд вилояти филиали бош механиги **Ирискул Гаппаров**,

Қорақалпоғистон Республикаси Қораўзақ тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бош режаларни амалга ошириш ва объектларни жойлаштириш бўйича архитектори **Орынбасар Зарлықов**, Тахтақўпир тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бошлиғи – туман бош архитектори **Еркинбай Мнажов**, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси бош инспектори **Омирзак Бердияров**,

Жиззах вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси девонхона мутахассиси **Чарос Каримова**, Қурилиш-монтаж ишлари устидан назорат бўлими инспектори **Шухрат Пўлатов**,

Навоий вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси Қурилиш-монтаж ишлари устидан назорат бўлими етакчи мутахассиси **Дилшод Турдиев**,

Фарғона вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси бош бухгалтер **Жаҳонгир Икромов**, уй-жой ва коммунал хўжалиги бўйича бош мутахассис **Ойбек Туланбоев**,

Сурхондарё вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси бухгалтер **Улуғбек Хидиров**, Жарқўрғон тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бошлиғи **Отабек Ҳамраев**,

Қорақалпоғистон Республикаси "Коммуналлик ыссылык орайы" ДУК Режа-техник бўлими бошлиғи **Аймураза Ешмуратов**, "Иссиқлик манбаи" ДУК Бухоро вилояти филиали бошлиғи **Баҳодир Раҳимов**, Тошкент вилояти Чирчиқ "Иссиқлик энергияси" ИЧК бош муҳандиси **Достон Дўскулов**,

Жиззах вилояти Баҳмал туманидаги "O'smat-Shaffof-Kommuna" БСК МЧЖ бош директори **Махлиб Абидова**, Зарбдор туманидаги "Kuhinur siti SSS" БСК МЧЖ бош директори **Соҳибназар Шодмонкулов**,

Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманидаги "Bezuprechnaya Kompaniya" БСК МЧЖ бош директори **Дилорон Шаматов**ларни таваллуд кунини билан чин дилдан мўбарақбод этамиз.

**УЛАРГА СИҲАТ-САЛОМАТЛИК, УЗОҚ УМР,
ОИЛАВИЙ ХОТИРЖАМЛИК,
МУСТАҲКАМ СОҒЛИҚ ТИЛАЙМИЗ!**



IQTIMOY-IQTISODIY GAZETA
**O'ZBEKISTON
BUNYODKORI**
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Батир Закиров
(Тахрир хайъати раиси),
Шерзод Хидоятов,
Давронжон Адилов,
Тоир Алиматов,
Озода Жўраева,
Козим Туляганов,
Юлдаш Магруппов,
Жамшид Исмаилов,
Бобир Элмуродов,
Қудратбек Хошимбеков.

ТАҲРИРИЯТ:

Бош муҳаррир **Дилшод
Жалолов**

Бош муҳаррир
ўринбосари **Райҳона
Ҳўжаева**

Саҳифаловчи **Акмал
Махкамов**

Мусахҳиҳ **Марҳамат
Мусулмонкулова**

Газета "Ўзбекистон бунёдкори"
Наширёт уйи МЧЖ томонидан
нашрга тайёрланди.

"ЎЗБЕКISTON БУНЁДКОРИ"
НАШИРЁТ УЙИ МЧЖ
МУАССИСЛАРИ:

Ўзбекистон Республикаси
Қурилиш ва уй-жой коммунал
хўжалиги вазирлиғи,
"Ўзсанавтқурилишматериаллари"
уюшмаси, "ЎзГАШКЛИТИ" ДУК,
"ЎзшаҳарсозликЛИТИ" ДУК,
"Қишлоқ қурилиш инвест" ИК МЧЖ,
"ЎзгеорангметЛИТИ" ДУК.

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:

100011, Тошкент шаҳри,
Навоий кўчаси, 18-уй.
Телефонлар:
71-241-01-29 (қабулхона),
71-241-01-43 (таҳририят),
71-241-01-29 (бухгалтерия),
71-208-12-00 (реклама ва обуна
бўлими).
E-mail: info@uzbunyodkor.uz

ҲУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАРНИНГ ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ:

**Қорақалпоғистон
Республикаси:** 90-658-50-43.
Андижон вилояти: 93-410-15-18.
Бухоро вилояти: 99-704-66-69.
Жиззах вилояти: 99-525-30-05.
Қашқадарё вилояти: 90-287-50-29.
Навоий вилояти: 99-731-17-40.
Наманган вилояти: 91-365-07-36.
Самарқанд вилояти: 95-560-30-45.
Сурхондарё вилояти: 94-916-99-77.
Сурхондарё вилояти: 97-847-30-11.
Фарғона вилояти: 90-349-55-56.
Хоразм вилояти: 97-790-47-61.

Газета 2016 йил 25 июлда
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлигида 0874-рақам билан
рўйхатга олинган.
Нашр индекси – 466.
Буюртма – Г-1241.
1504 нусхада босилди.
Қўғоз бичими А-2.
Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида
босилган. Баҳоси келишилган
нархда. ISSN 2181-8762.
Тахририятга келган қўлёзмалар
тақриз қилинмайди ва муаллифга
қайтарилмайди.
Газета тахририят компьютер
марказида терилди ва саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан
сифатли чоп этилишига
"Шарқ" нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси масъул.

КОРХОНА МАНЗИЛИ:

Тошкент шаҳри,
"Буюк Турон" кўчаси, 41.

Навбатчи муҳаррир –
Р. Ҳўжаева.
Навбатчи –
А. Ҳақбердиев.

ЎЗА якуни – 22.20.
Топширилди – 22.55.